



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**  
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**  
и.ф.д. Ф.А.Сафаров  
PhD, доцент И.М.Пардаева  
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

**Техник муҳаррир:**  
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**  
PhD С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**  
PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д., профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти в.б., DSc

**МУНДАРИЖА:**

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Мурод Мухаммедович Мухаммедов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> Амир Темурнинг одилона иқтисодий сиёсати – кудратли империянинг шаклланиш ва ривожлантириш омили	5
<b>Дилфуза Олимбоевна Матёкубова</b> Бизнес тузилмаларини инновацион ривожлантириш учун диверсификация стратегиясини танлаш истиқболларини баҳолаш тартиби ва усуллари	12
<b>G‘ayrat Zuvaytovich Ubaydullaev</b> Mamlakatda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish strategiyalarini amalga oshirish inson kapitali samaradorligini oshiradi	16
<b>Fotimaxon Ibragimovna Ergasheva, Madina Isoqjonovna Oxunjonova</b> Yoshlar tadbirkorligini rivojlantirish masalalari	21
<b>РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Гулнора Мардиевна Шадиева</b> Влияние инновационных процессов на экономическое развитие Республики Узбекистан: теоретические аспекты	26
<b>Omonilla Saydaminovich Umarov, Abdulxay Xasanboyevich Xodjayev</b> Iqtisodiy xavfsizlikini ta’minlashda ochiq ma’lumotlar sohasining ahamiyati	31
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Рузибой Нормухаматов, Уктам Абдуғани ўғли Абдурайимов</b> Мева-сабзавотларда бўладиган нитратлардан келадиган хавфлар ва уларнинг олдини олиш йўллари	35
<b>Гулнора Мардиевна Шадиева, Умида Равшановна Равшанова</b> Теоретические аспекты занятости в сельском хозяйстве и их влияние на развитие экономики Республики Узбекистан	38
<b>Сусанна Сейрановна Алиева</b> Солнечная энергетика в тепличном хозяйстве	44
<b>Zaxriddin Vasliddin o‘g‘li Usubjonov</b> Namangan viloyatida qurilish materiallari ishlab chiqarish sanoatining rivojlanishi	49
<b>Muxriddin Mo‘ydinjon o‘g‘li Turg‘unov</b> Oziq-ovqat sanoati korxonalarining raqobatbardoshligini boshqarish masalalari	55
<b>Абдухолик Эгамович Тангиров</b> Чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари ва уларни бошқаришдаги айрим муаммолар	58
<b>Mirodiljon Xasanboy o‘g‘li Xomidov</b> O‘zbekiston Respublikasi avtomobilsozlik korxonalarida sanoat kooperatsiyasini tashkil etish va foydalanishning iqtisodiy ahamiyati	62
<b>Xakim Toshimovich Buriyev</b> Qurilish sanoati korxonalarining raqobatbardoshligini oshirishning ilmiy asoslari	66
<b>МЕХНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ</b>	
<b>Саидахроп Саидахмедович Ғуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> Ўзбекистонда таълим самарадорлигини ошириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича айрим тавсиялар	72
<b>Обид Мамаюнусович Пардаев</b> Кўп ўлчовли камбағалликни аниқлашнинг янги индикаторлари ва уларнинг моҳияти	78

## МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ

Саидахроп Саидахмедович Ғуломов – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан  
арбоби, академик

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

### ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА АЙРИМ ТАВСИЯЛАР

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистоннинг иқтисодини ва таълимни камчиликларини илдизлари таҳлил қилиниб, камбағалликни қисқартириш йўллари берилган. Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш учун таълимни самарадорлигининг оширилишига ва уни инновацион рақамли технологияларни ишга солишга катта эътибор қаратиш йўлларининг ҳам аниқ тавсиялари берилган. Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши Янги Ўзбекистонда ишсизликни, камбағалликни ва бюджет танқислигини қисқартиришга, ақлий меҳнатни ривожлантириб, копияларини экспорт қилишга ва ташқи қарзни қисқартиришга муносиб хизмат қилиши мумкин.

**Калит сўзлар:** Янги Ўзбекистон, Инсон ақлий капитали ва ақлий меҳнат унумдорлиги, таълим самарадорлиги, ўқувчилар ва ўқитувчилар янги вазифалари, камбағалликни қисқартириш, даромад, бойлик, IT ва рақамли тадбиркорлик, Фриланс ва масофадан хорижда ишлаш.

**Кириш.** Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворининг қўйилиши ҳам, “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилиши ҳам, Янги Ўзбекистоннинг шаклланиши ҳам пировардида илм-фаннинг ривожланиши, таълим сифати ва самарадорлигининг оширилишига боғлиқ. Бу бўйича мамлакатимизда анча ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги сайтида маълумотларга қараганда, 2022 йилда 28% ишчиларнинг иш ҳақи 1 млн сўмгача, 24,5% - 2 млн сўмгача ва 24,8% - 4 млн сўмдан ошади. Бундай миқдордаги даромадлар аҳолининг озиқ-овқат, дори-дармон ва турли коммунал тўловларга етмаслиги шундай кўриниб турибди. Аҳолининг бу даражадаги кам даромадлилиги мамлакатимизда кенг кўламда тадбиркорликни ривожланишга ҳам катта тўсиқ бўлиб келмоқда. Истеъмолдан ортмаган маблағ билан қандай қўшимча тирикчилик қилиш мумкин. Ҳукуматимиз 4 миллионга яқин аҳолини камбағалчиликдан чиқариш дастурларини ишлаб чиқиб, катта харажатлар қилиб, давлат бюджети тақчиллигига учрамоқда.

2017 йилдан бошлаб абитуриентларни ёзги тестни имтиҳонлари марказлаштириб, шаффоф ва холис ташкил қилгандан кейин 2022, 2023 ва 2024 йилларда абитуриентларнинг тўплаган балларининг кўрсаткичлари анча пасайиб кетиб, мактаб таълимни заифлиги кўриниб қолди (айниқса, тестлар халқаро стандартларга риоя қилиш бошлаганидан кейин бу яққол кўриниб қолди). Шу йилларда тест топширган абитуриентларнинг 50 %дан пастроғи 56,7 минимум баллга ҳам эга бўлиша олмади. 2022 йилдаги халқаро тестларда ҳам Ўзбекистон охириги ўринларда турибди.

Амалдаги маълумотларга қараганда, 100 минг нафарга яқин олий маълумотли дипломга эга бўлган кишилар ишсизлиги қайд этилган. 500 минг нафарга яқин бакалавр ва магистр бир мутахассислик бўйича битириб, бутунлай бошқа касбда ишламоқда. Буларнинг 6 йиллик ўқиган вақти ва тўлаган контракт пули бекорга кетди, чунки буларнинг неча йил давомида қайтиши ҳам номаълум. Ушбу ҳолат ҳам камбағалларнинг кўпайишига яна бир омил бўлиб ҳисобланади. Қишлоқдагилар ҳам болам ўқисин деб, мол-мулкни ва сигирлару, қўйларини сотиб, контракт тўламоқда. Агар улар мақсадли ўқимаса, битирганидан кейин ишга жойлаша олмаса ушбу тўловларни қайтариш ҳам бироз

мураккаблашади. Бу яна камбағалликни келтириб чиқаради. Бундай таълимнинг натижаси камбағалларни янада кўпайтиради. Шу туфайли камбағалликни қисқартириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси.** Ўзбекистонни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича айрим тавсияларни ишлаб чиқиш жараёнида мантиқий таҳлил, таҳлил ва синтез, миқдор ва сифат, индукция ва дедукция, макон ва замон каби услуб ва ёндашувлардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Бугунги кунда мамлакатимиз олдида улкан вазифалар турибди. Буларга Янги Ўзбекистонни шакллантириш, Учинчи Ренессанс пойдеворини кўриш, “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни бажариш каби масалалар киради. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун бир қанча ташкилий, иқтисодий, ижтимоий масалаларни ҳал қилишни тақозо қилади. Бундай ишларни поёнига етказиш учун ушбу соҳада қилиниши керак бўлган ишларимиз ҳам ҳали анчагина. Бундай тадбирлар, бизнинг фикримизча куйидагилардан иборат:

**Биринчидан,** мактабларда ўтиладиган фанларни замонавийлаштириш лозим, яъни керак бўлмайдиган фанларни 2 баробар соатларини қисқартириб, 11 йилда IELTSни 7 балл билан чиқариш чораларини кўриш керак. Қадимдан, тил билган эл билади, деган гап бор. Бугунги интеграциялашган даврда ушбу масала янада долзарб масалалардан бирига айланди.

**Иккинчидан,** бугунги дунё миқёсида рақамлаштириш жараёнлари авж олиб турган паллада ўқувчиларни 11 йилда мактабда 2та дастурий тилни мукаммал ўрганишга мажбурлаш керак. Бундай билимга эга бўлган болалар Фриланс сифатида масофадан бутун дунё мамлакатларига ишга жойлашиши мумкин. Ушбу йўл билан ўз юртида туриб интеллектуал мулкни миллионлаб копиясини экспорт қилиш орқали ёшлар ишсизликни қисқартиради ва аҳолини даромадларини оширади, бюджетимизни танқислигини қисқартиради ва экспорт-импорт сальдосини балансини ижобий ҳолатга келтиради. Энг муҳими, ёшларимиз ота-онасини бағрида бўлиб, маънавияти ва саломатлиги сақланади. Оила харажатлари қисқариб, йўл қирага, бегона давлатда яшаш, овқатланиш, тиббиёт ва болаларини ўқиш пуллари, хар хил тўловлар ва солиқлар пуллари Ўзбекистон бюджетига тушади.

**Учинчидан,** болаларни тарбиялашни ва ўқитишни боғчадан бошлаш керак. Боғчада болаларни 3 ёшидан бошлаб чет тилларига ўргатишни бошлаш мақсадга мувофиқ. Болалар боғчадаёқ она тили билан бирга камида яна 2 та тилни бемалол гаплашадиган бўлиши лозим. Чунки ушбу ёшда болалар нимани ўргатсангиз тез ўрганади ва хотирада абадий умр бўйи муҳрланиб қолади. Тажриба шуни кўрсатадики, ёзишни ва ўқишни билмайдиган 1 ёшли болани Англиядаги оилага қўйилса, бир йилга қолмай ўзбек боласи инглиз тилида бемалол гаплаша олади. Бошқа тилларда ҳам худди шундай. Шу туфайли боғчаларда шу моделдан фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ. Бу бўйича интернетда ёш болаларга инглиз тили ўқитиш бўйича жуда кўплаб дастурлар бор. Дунё тажрибасида Ҳиндистон вақтинча инглиз тилини иккинчи давлат тили деб эълон қилганлиги натижасида ўзи ҳам ривожланиш билан бирга ривожланган давлатларда энг буюк ва бой дастурчилар ҳамда давлат арбоблари етишиб чиққан. Ҳиндистонликлар бирорта давлатда инглиз тилини билганлиги туфайли тил билан боғлиқ муаммога дуч келмайди. Ҳозирги кунда боғчаларимизда болаларга керак бўлмайдиган ахборотларни берилмаслик чораларини кўриш лозим. Мияни ортиқча ноқерак ахборотлар билан тўлдиришга ҳеч қандай зарурият йўқ.

**Тўртинчидан,** боғча ва мактабда олинган таълим олий таълим пойдевори ҳисобланади. Агар биз педагогика мутахассислигига кам балли олган қобилиятсиз абитуриентларни олсак (супер контракт асосида), таълим сифатининг янада пасайиши бошланади. Тестни ташкил қилишни холис қилгандан кейин 2022, 2023 ва 2024 йилларда абитуриентларнинг тўплаган балларининг кўрсаткичлари анча пасайиб кетди. Шу йилларда тест топширган абитуриентларнинг 50 %дан кўпроғи 56,7 минимум баллдан ҳам паст олганларига ҳамма гувоҳ. Шунинг учун ҳар бир мутахассисликка турдош қилиб, албатта педагогика мутахассислигини кўшиш керак. Чунки, мактабда барча бўлажак

абитуриентлар асосан бир хил дастирдан ўқитилади. Шунда дипломатия ва юридик университетлари каби илғор олий ўқув юртларига кира олмаган, қобилиятли абитуриентлар 180 ва ундан кўп балл тўплаган ҳолда Педагогика таълимига жалб этилади. Умуман олганда педагогика мутахассисликларига 100 балдан паст абитуриентларни қабул қилмаслик лозим.. Бундай қондани амалиётга жорий қилиш механизмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Чунки улар 56,7 баллдан паст тўплаган абитуриентларга нисбатан қобилиятлилиги билан ўқувчиларга намуна бўлади ва узлуксиз таълим тизимини сифатини ошираолади. Педагогика йўналишини аъло баҳоларга битириб педагогик касбида ишлаганларга бир минг доллардан ошиқ иш ҳақи тўланса педагогларга катта мотивация (рағбат). 56,7 дан паст балл билан ўқишга кирган ва ўртача ўқиб битирган педагогларга бюджетдан минг доллар иш ҳақи тўлаш кутилган самарани бермайди.

**Бешинчидан**, мамлакатимиз аҳолисини камбағалликдан чиқариш учун биринчи галда ойлик маошларини кўтариш лозим бўлмоқда. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги сайтида келтирилган маълумотларга қараганда бюджет ва нодавлат ташкилотларида 1 млн сўмгача иш ҳақи оладиган ходимларнинг улуши 28,0 %ни ташкил қилади. 1 млн.дан 2 млн. сўмгача ойлик оладиганларнинг улуши 24,6 % ни ташкил қилади. 2 млн. сўмдан 4,0 млн. сўмгача ойлик оладиганларнинг улуши 25,2 %ни ташкил қилади. 4 млн сўмдан 5,5 млн сўмгача ойлик оладиганлар улуши 9,3 %ни ташкил қилади<sup>1</sup>. Кўриниб турибдики, ушбу ҳолат банд аҳолининг ҳам бир қисми камбағаллик чегарасидан чиқа олган эмас. Ўзбекистонда аҳолининг даромадларини ойлик маошини оиладаги аҳоли жон бошига ҳисоблаш лозим бўлади. Чунки битта оилада 1 киши ишлайди ва бунда 3-5 киши яшайди. Айрим оилаларда бир киши ишлаб катта пул топиши мумкин. Аммо бунда 5-7 нафар ва ундан ҳам кўпроқ кишилар яшаши мумкин. Бундай миқдордаги даромадлар аҳолининг озиқ-овқат, дори-дармон ва турли коммунал тўловларга етмаслиги шундай кўриниб турибди. Истеъмолдан ортмаган маблағ билан қандай қилиб болаларини ўқиш учун контракт пулини тўлаши мумкинлиги ҳам бироз мураккаб. Ҳозирги кунда таълим кредити жорий қилинган, аммо уни қайтариш масаласи ҳам камбағал оилалар учун қийин кечмоқда. Чунки олий ўқув юртини битирган ҳамма талабалар бирданига ишга жойлашиб кета олган эмас. Камбағалчиликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг маълумоти кўра бу йил олий таълимни тамомлаган 214 минг нафар битирувчилардан 126 минг нафари ёки 58,9 % ҳали иш топиб, жойлаша олган эмас<sup>2</sup>. Яъни 60 % га яқини олий таълимни битирганлар ҳали ишсиз<sup>3</sup>. Булардан кўриниб турибдики, олий таълимга керакли мутахассисларни ўқитиш лозим бўлади. Шу билан бирга олий таълимда ўқиш жараёнида талабалар устозлари билан бирга кичик бизнес ва инновацион фирмалар ташкил этиб (БМИ ва МД мавзуларини шу корхоналар билан боғлаб), ўзларини иш билан таъминлаб, ваҳлроқ даромад топишга ва контракт харажатларини ўзлари қоплашга ўргатиш керак.

**Олтинчидан**, ОТМни битирувчи талабаларин хорижга катта маошга масофадан Фриланс сифатида ҳамкор давлатлар билан келишиб, ақлий меҳнатга асосланган ишга жойлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун ушбу йўналишда Йўл Харитасини тузиб амалиётга жорий қилиш керак. Бу бўйича Хитой ва Ҳиндистон моделини таажриба тарикасида ўрганиш лозим бўлади. Хорижий давлатларда шу йўл билан топилган даромадларнинг 70-80 % Ўзбекистондаги оиласига келади. Бундан ташқари кам-бағал оилаларнинг болаларини ўқишига молиявий имконият яратиш ва тадбиркорликни рағбатлантириш учун Европа моделидан фойдаланиш ҳам мумкин. Европа моделида, асосан аҳолини қўллаб-қувватлашади. Мазкур давлатларда аҳоли даромадлари ойига \$3-5 минг долларни ташкил қилади. Ривожланган мамлакатларда аҳолидаги катта пулларини камбағалликни қисқартиришга жалб қилиш учун, тадбиркорлар ўша ортиқча пулларни ишлатиш йўли билан камбағалларни иш билан таъминлаб, эҳтиёжини қондириш даражасига олиб келади ва шу йўл билан камбағал-

<sup>1</sup> Иқтисодиёт ва молия вазирлиги расмий сайтида: <https://nrm.uz/contentf?doc=507692>.

<sup>2</sup> Бехзод Мусаев эълон қилган маълумотлардан. <https://kun.uz/kr/49310855>.

<sup>3</sup> Kun.uz расмий канали. <https://t.me/kunuzofficial>.

ликдан чиқаришга ёрдам беради. Ривожланган мамлакатларда аҳолидаги катта пулларини олиш учун, тадбиркорлар рақобатда инновациялар орқали сифатини яхшилаб, истеъмолчиларни эҳтиёжини қондиришга ва ўз даромадларини оширишга курашади. Қишлоқ жойлардаги кичик бизнесни ривожлантириб, ҳар бир қарич жойдан самарали фойдаланиш эвазига, камбағал оилаларда болаларини ўқитишга молиявий имконияти яратилади.

**Еттинчидан,** мамлакатимизда 2020 йилда тасдиқланган "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегияларидаги 1 млн дастурчини, улар ҳар туманда очилган 205 та IT мактабларда тез тайёрлаб, масофадан онлайн "Фриланс" йўналишида хорижга ишга жойлаб, хориждан бюджетимизга валюта жалб қилиб, уни дефицит ҳолатидан чиқариб, камбағалчиликни қисқартириш ҳам лозим бўлади. Муҳтарам Президентимиз Рақамли технологиялар вазирлигига борганларида ҳар маҳаллада 2 нафардан дастурчи тайёрлаш топшириғини бердилар. Шуни инобатга олиш лозимки, дастурчилар мамлакатимизда бир ойига \$3-5 минг доллар иш ҳақи олиши мумкин. Булар нафақат мамлакатимизда, балки шу ерда туриб хорижий мамлакатларда ҳам 2-5 баробар баландроқ иш ҳақи билан дастурчилик қилиши мумкин бўлади, агар мактабда мукамал 2 та дастурий маҳсулотларни ва хорижий тилларни ўргатишса, айниқса, мактабда 11 йилда IELTSни 7 балл олиб тайёрланса, олий таълимда катта контракт пулини ўзи тўлаб, ўқиш билан бирга муносиб ишга жойлашиб олишлари мумкин бўлади. Бунга имтиёз тариқасида Президентимиз 2 курсдан талабаларни иш билан таъминлаган тадбиркорларга солиқ имтиёзларини бермоқдалар.

**Саккизинчидан,** 2020 йил октябрь ойида Жаҳон иқтисодий форуми "Келажак касблари" тўғрисида маълумот берган эди. Унда 2025 йилга келиб, одамлар ва компьютерлар ўртасидаги меҳнат тақсимотининг ўзгариши туфайли янги рақамли (масофадан) иш ўринлари (97 миллион) яратилишига ҳамда айрим касблар қисқаришига (85 миллион) олиб келиши кўрсатиб ўтилган эди<sup>1</sup>. Биз ҳам бу хориждаги 97 млн. янги иш ўринларини яхшилаб ўрганиб, битирувчи талабаларимизни масофадан онлайн хорижга юқори иш ҳақи билан жойлаштириб, камбағалчиликни қисқартиришимиз лозим бўлади. Кўриниб турибдики, инсон ақлий капиталини шакллантириб, улардан интеллектуал маҳсулот етиштиришга йўналтириш ва бу маҳсулотларни ватанида туриб хорижга миллионлаб копиясини экспорт қилишгача бўлган жараёнларни кўриш мумкин бўлади.

**Тўққизинчидан,** тадбиркорларни кўллаб-қувватлаш бир томонлама қулай, чунки улар янги иш ўринларини яратади ва мос равишда бандлик масаласини биров яхшилаш имкониятини беради. Аммо аҳоли даромади паст бўлиб, тегишли маблағи бўлмаса, тадбиркор яратган инновацион товарларини улар томонидан харид қилиш биров мураккаб бўлиб қолади. Натижада улар ишлаб чиққан маҳсулотларни сотиш ҳам биров қийин бўлади. Чунки, ҳамма маҳсулотни экспорт қилишнинг ҳам имконияти бўлмаса, иқтисодиётнинг ривожланиши ҳам қийинлашиб қолади. Аҳолининг бу даражадаги кам даромадли эканлиги (бу ҳақда юқорида Иқтисодиёт ва молия вазирлигини рақамлари келтирилган) мамлакатимизда кенг кўламда тадбиркорликни ривожланишга ҳам катта тўсиқ бўлиб келмоқда. Бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири оилавий даромадларни кўпайтириб, ҳар бир оилани камбағалликдан чиқариш лозим бўлади. Оилавий тадбиркорликда ҳам барча маҳсулотларни сифатли ва дунё бозорида рақобатбардош бўла оладиган даражада ишлаб чиқариш лозим бўлади. Бундай маҳсулотларнинг харидори нафақат мамлакатимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам кўп бўлади.

**Ўнинчидан,** маълумки мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан абитуриентларнинг кириш тестларини марказлаштириб, шаффоф ва одил қилинди. Лекин паст балл олган (20-30 балл) абитуриентлар ҳам супер контрактни тўлаб, иқтидорли талабалар билан ўқиб, бир вақтда битирмоқдалар. Ўқий олмайдиган абитуриентлар ҳам суперконтракт тўлаб ўқийдиган бўлса, уларнинг савияси юқори балл олганлар билан тенг кела олмайди. Аммо иккаласига ҳам бир хил ўқиш муддатида бир хил диплом берилмоқда.

<sup>1</sup> <https://www.weforum.org/>.

Буни ҳам тартибга солиб, биринчи боскичда суперконтрактнинг ҳам куйи чегарасини белгилаб қўйиш керак. Келажакда бундай ўқишдан умуман воз кечиш кераклигини ҳам ўйлаб кўриш керак. Энди супер контракт асосида ўқишга кирган талабаларни алоҳида ўқитиб, балига қараб, ўқиш йиллини кўпайтириб (масалан, бакалаврга кирган абитуриентларни балимининг даражасига қараб, 4 йилдан 6-7 йилгача ошириб) ва ўқитувчиларига ҳам суперконтракт пулидан кўпроқ иш ҳақи тўлаб, талабаларни билимини меъёр даражасига келтириш бўйича тажриба қилиб кўриш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

**Ўн биринчидан,** болаларимизни мактабдан бошлаб, унинг қобилиятини ўрганиш ва унинг қайси соҳага интилишини аниқлаб, уни айнан шу йўналиш бўйича ўқитиб, қобилиятини ривожлантириш ва қобилиятига лойиқ касбга ишга жойлаш орқали ҳалол йўл билан бой бўлишни ўргатишимиз лозим. Бу ўргатувчи ва ўрганувчи инсонларнинг кўлидан келади. Чунки циркда ҳар бир жониворга ўзининг қобилиятидан келиб чиқиб, дресировка қилиб, шунга лойиқ рағбатлантирилиб, катта пул ишлашади. Лекин қўйларни ва сигирларни дресировка қилиш бефойда экан. Чунки уларни ўргатиш жуда мураккаб экан. Агар болани соҳалар бўйича қобилиятини ёшлигидан (боғчадан) аниқлаб, шу соҳа бўйича ўқитиладиган бўлса, болалар асаби бузилмай саломатлигини йўқотмайди, ўз соҳасига доир фанларни хурсадлик билан тез ўзлаштиради ва турмушида омадли бўлади. Бундай болаларни ўзларининг йўналишларидаги фанларни кўпайтириб, шу касбга керак бўлмайдиган фанларни ва мос равишда соатларини қисқартириш йўлига ҳам ўтиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Болаларни мактабдан бошлаб, қобилияти ва қизиқишига қараб тегишли соҳа бўйича ўқитиб, ривожлантириб, қобилияти бўйича ишга жойлаб, самарали ишлатиб, бой бўлишга ўргатишимиз ҳам мақсадга мувофиқдир.

**Ўн иккинчидан,** мамлакатимизда хорижий ОТМ ва факультетларининг очилиши ижобий. Аммо улар юқори контракт билан болаларимизни ўқитиб, тегишли маблағларни конвертация қилиб, валютани олиб чиқиб кетмоқда. Шу тариқа валюта захирамизнинг бир қисми ташқарига чиқиб кетиши билан камайиб бормоқда. Бу масалани ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак. Хорижий олий ўқув юртларига ёшлар шунчаки диплом олиш учун эмас, балки ҳақиқий билим олиш учун ўқиши керак. ОТМ битирувчиларининг ишга жойлашуви, унинг ретингида ҳал қилувчи кўрсаткич бўлиши лозим. Шундагина таълим мақсадли йўналишга эга бўлади.

**Ўн учинчидан,** мактабларга ва олий таълим муассасаларига ҳам хорижий ўқитувчиларни кўплаб жалб қилинмоқда. Уларга юқори ойлик маоши тўланади. Аммо таълим сифати кескин фарқ қилмайди. Бунинг ўрнига ўзимизнинг ўқитувчиларга алоҳида шартларни қўйиб, бажарган иши бўйича ўша маблағни устама қилиб тўланса, фикримизча, самараси катта бўлади. Айрим ҳолларда хорижлик ўқитувчиларнинг айримлари дарсга келмайди. Буларнинг ўрнига ўзимизнинг ўқитувчилар дарс беришади. Шу туфайли хориждан доимий ишлашга ўқитувчиларни жалб қилишдан кўра ўзимизнинг ўқитувчиларимизни хорижга бориб малака ошириб келгани маъқул, деб ўйлаймиз.

**Ўн тўртинчидан,** эндиликда меҳнат миграциясига ҳам муносабатни ўзгартириш керак. Бирорта касби йўқ тилни билмайдиган фуқароларимизни хорижга ишга чиқармаслик лозим. Уларни хорижда бўш иш жойи бор (иложи бўлса, ақлий меҳнатга) касбга ўргатиш ва ўша мамлакат тилини ҳам ўргатган ҳолда чиқариш керак. Буларни бепул ўқитиш лозим. Чунки уларнинг тегишли маблағи бўлмаслиги мумкин. Улар хорижда ақлий меҳнатда ишласа, мамлакатимизга валюта тушириш орқали давлатнинг харажатлари бир неча баробар қопланади. Муҳими, миллат шаъни ҳам сақланиб қолади. Ўзбекистонликлар саводсиз, ҳеч нарсани билмайди, фақат “қора” меҳнатга ярайди, деган салбий тамғалар ҳам олиб ташланади.

**Ўн бешинчидан,** мамлакатимизда хусуий олий таълимнинг кўпайгани ва унга қабулнинг ошгани туфайли кўп яхши педагоглар хусусий университетлар ва филиалларга ўтиб кетаётганлиги учун давлат олий таълим муассасаларида маълум даражада таълим сифатининг тушиб бориш хавфи туғилмоқда. Натижада малакали педагоглар танқислиги ҳам ошиб бормоқда. Барча мутахассисликлардан тегишли педагоглар етишмаётганлиги

туфайли, бир қанча фанлардан ўриндошлик асосида дарс берилмоқда. Табиийки, бундай ҳолда ҳам сифат кутилган даражада бўлмайди.

**Ўн олтинчидан,** етакчи магистратура мутахассисликларини ўз мутахассисликлари билан бирга олий таълимда педагогик қиладиган соҳани ҳам ўргатиш лозим бўлади. Бунинг учун энг иқтидорлиларини қобилятли талабаларни ажратиб олиб, улардан магистратуранинг янги йўналишларига мос педагогларни тайёрлашга ўқитиш лозим бўлади. Бунинг учун замонавий янги фанларнинг янги дастурлари ишлаб чиқилган ва улар тўлиқ ўқитиладиган бўлишлари лозим. Шундагина янги мутахассисларга мос педагоглар тайёр бўлади. Янги Ўзбекистонда узлуксиз таълимга сифатли педагогик кадрларни тайёрлашга ягона ЙЎЛ ХАРИТА тузрилиши ва уни амалга оширилиши лозим.

**Ўн еттинчидан,** Муҳтарам Президентимизни Янги Ўзбекистон учун янги шиорлари: “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади!”, деган ғояни 19 сентябрь 2017 йилда БМТ Ассамблеясида айтган эди. Бунда болаларимизни мактабдан бошлаб, қобилятини ўрганиш ва унинг қайси соҳага интилишини аниқлаб, уни айнан шу йўналиш бўйича ўқитиб, қобилятини ривожлантириш ва қобилятига лойиқ ишга жойлаш орқали ҳалол йўл билан бой бўлишни ўргатишимиз лозим. Демак таълимда билим бериш билан бирга энди билимни самарали ишлатиб, бой бўлишга ҳам ўргатишимиз керак, деган фикрни олға сурган эди. Чунки, бола бирорта соҳани яхши кўриб шу соҳа бўйича ўқийдиган бўлса, бундай болаларни ўзларининг йўналишларидаги фанларни кўпайтириб, шу касбга керак бўлмайдиган фанларни қисқартириш йўлига ҳам ўтиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Болаларни мактабдан бошлаб, унинг қизиқиши ва қобилятини инobatга олиб, шу бўйича ўқитиб, ривожлантириб, қобиляти бўйича ишга жойлаб, самарали ишлатиб, бой бўлишга ўргатишимиз лозим. Агар ёшлиқдан бошлаб, болаларимизнинг қобиляти ва интилиши бўйича соҳасини аниқлаб, уни ривожлантириб, ундан фойдаланишга ўргатсак, ўқиш жараёнида замонавий стандартларга мослашиб боради.

**Ўн саккизинчидан,** яна бир муҳим жиҳат, Муҳтарам Президентимиз Рақамли технологиялар Вазирлигига борганларида ҳар маҳаллада 2 нафардан дастурчи тайёрлаш топшириғини бердилар. Натижада ҳар бир маҳаллада рақамлаштириш ва камбағалчиликни қисқартириш билан боғлиқ муаммолар ҳал қилинади. Аммо ушбу масала тизимли равишда бажарилиб улгурилган эмас. Шунини инobatга олиш лозимки, дастурчилар мамлакатларда бир ойига \$3-5 минг доллар (сўм эквивалентида) иш ҳақи олиши мумкин. Булар нафақат мамлакатимизда, балки шу ерда туриб масофадан фриланс хорижий мамлакатларда ҳам ишни қилиши мумкин.

**Ўн тўққизинчидан,** мамлакатимизда ёшлар ўртасида таълим-фан соҳаси бўйича кўплаб конкурслар ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ. Бунда ёшларнинг саводхонлиги билан бирга ижодкорлигини ҳам инobatга олиш мақсадга мувофиқ. Конкурсда юқори ўринни эгаллаган болаларни ва уларнинг устозларини муносиб даражада рағбатлантириш лозим. Шунингдек, улар ишлаб чиққан ва яратган илмий ишланмаларни тижоратлаштириб, амалиётга жорий қилиб, ушбу жойдан ҳам тегишли гонарар ажратиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

**Йигирманчидан,** Янги Ўзбекистонда халқимизни сифатли таълим орқали ақлий меҳнатга ўргатиш ва у орқали барча соҳаларда СИФАТни оширилиши учун Йўл Харита тузиб, янги терминлар киритиш зарур: “Инсон ақлий капитали” ва “Инсон ақлий меҳнат унумдорлиги”, ҳамда Жисмоний меҳнат ўлчовлари(кг, литр, метр,...) билан бирга 1 млн. аҳолига қанча инновацион Гоя ва инновациялар, стартаплар, янги дастурий маҳсулотлар, нуфузли халқаро журналларда мақалалар ва патентлар... статистик таҳлилини киритиш керак. Янги Ўзбекистонни дунёда тан олиниши учун барча соҳада фақат сифат, сифат ва яна сифат баландлиги билан белгиланади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тавсияларимизнинг амалиётга жорий қилиниши мамлакатимизда ишсизликни, камбағалликни ва бюджет танқислигини қисқартиришга, ақлий меҳнатни копияларини экспор қилишга ва ташқи қарзни қисқартиришга муносиб хизмат қилган бўлар эди.

<p style="text-align: center;"><b>С.Гулямов, М.Пардаев</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Некоторые рекомендации по повышению эффективности образования и сокращению бедности в Узбекистане</b></p> <p><b>Аннотация.</b> В статье анализируются корни недостатков в экономике и образовании Узбекистана и предлагаются пути сокращения бедности. Для сокращения бедности в стране требуется обращать больше внимания на повышение эффективности образования. В статье даны конкретные рекомендации по развитию инновационных цифровых технологий. Внедрение этих рекомендаций в практику позволит сделать достойный вклад в сокращение безработицы, бедности и дефицита бюджета, увеличению доли умственного труда и росту экспорта его копий зарубеж, а также сокращению внешнего долга Нового Узбекистана.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> Новый Узбекистан, умственный человеческий капитал и производительность умственного труда, эффективность образования, новые функции учеников и учителей, сокращение бедности, доход и богатство, IT и цифровое предпринимательство, фриланс и дистанционная работа зарубежом.</p>	<p style="text-align: center;"><b>S. Gulyamov, M. Pardaev</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Some recommendations for improving the efficiency of education and reducing poverty in Uzbekistan</b></p> <p><b>Abstract.</b> The article analyzes the roots of shortcomings in the economy and education of Uzbekistan and suggests ways to reduce poverty. To reduce poverty in the country, more attention should be paid to improving the efficiency of education. The article provides specific recommendations for the development of innovative digital technologies. The implementation of these recommendations in practice will make a worthy contribution to reducing unemployment, poverty and budget deficit, increasing the share of mental labor and increasing the export of its copies abroad, as well as reducing the external debt of New Uzbekistan.</p> <p><b>Keywords:</b> New Uzbekistan, mental human capital and productivity of mental labor, efficiency of education, new functions of students and teachers, poverty reduction, income and wealth, IT and digital entrepreneurship, freelance and remote work abroad.</p>
--	---

**Обид Мамаюнович Пардаев – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги департаменти директорининг 1-ўринбосари, PhD.**

### **КЎП ЎЛЧОВЛИ КАМБАҒАЛЛИКНИ АНИҚЛАШНИНГ ЯНГИ ИНДИКАТОРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МОҲИЯТИ**

<p><b>Аннотация.</b> Мақолада кўп ўлчовли камбағалликни аниқлашнинг янги индикаторлари ва уларнинг моҳияти очиб берилган. Бунда прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти (ПМТИ), БМТнинг Тараққиёт Дастури (БМТТД), Оксфорд Инсон тараққиёти ва қашшоқлик ташаббуси томонидан ишлаб чиқилган Глобал кўп ўлчовли қашшоқлик индекси каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг тавсиялари қиёсий таҳлил қилинган. Булардан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ушбу категорияни ифодаловчи 10 та кўрсаткич танлаб олинган ва улардан амалиётда фойдаланиш тавсия қилинган.</p> <p><b>Калит сўзлар:</b> камбағаллик, кўп ўлчовли камбағаллик, кўрсаткичлар, индикаторлар, ишсизлик, таълим сифати, соғлиқни сақлаш, қашшоқлик, бандлик, мавсумий бандлик.</p>
---

**Кириш.** Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда 2024 йил 27 августда Президентимиз “Кўп ўлчовли камбағаллик бўйича глобал мулоқот” халқаро конференцияси иштирокчиларига йўллаган табригида батафсил тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлади: “сўнгги уч йилда мамлакатимизда кўмакка муҳтож 3 миллион аҳолининг турмуш шароитини яхшилаб, камбағаллик даражасини 17 фоиздан 11 фоизга туширишга эришдик. Республикаимизда эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли сиёсатни изчил давом эттириб, келгуси уч йилда камбағаллик даражасини 7 фоизгача пасайтиришни мақсад

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

12.09.2024 йилда теришга берилди. 27.09.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0110А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.